



**Профессор Шамсиев Азамат
Мухитдиновичнинг 80 йиллик
юбилейига
ТАБРИК СЎЗИ**

Хурматли ҳамкасблар! Азиз дўстлар!

Барчангизни муҳим ва аҳамиятли, Евроосиё болалар хирурглари конфедерациясининг 1-Конгрессидан кутлаганимдан чин дилдан мамнунман!

Ушбу тадбирда дунёнинг 30 та давлатидан 150 дан ортиқ етук мутахассислар, болалар хирургиясининг нуфузли вакиллари, олимлар, профессорлар, академиклар, хорижлик меҳмонлар катнашаётганидан мен, шубҳасиз, хурсандман.

Конгрессда болалар хирургиясининг таниқли вакиллари, олимлар, профессорлар, академиклар,

соғлиқни сақлаш тизимида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган Европа, Россия, Япония, Буюк Британия, Туркия, Озарбайжон, Токио, Сингапур, Тунис, Марказий Осиёдан Болалар хирургияси ассотсиатсияси президентлари иштирок этмоқда.

Евроосиё болалар жаррохлари конфедерациясининг 2024-йил 19-майдаги қарорига асосан атоқли олим, болалар хирургияси мактаби асосчиси, профессор Азамат Мухитдинович Шамсиев таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан қадимий ва гўзал Самарқандда I-Конгресс ўтказилаётгани биз учун катта шарафдир.

Азамат Шамсиевнинг ҳаёт ва ижод йўли бевосита Самарқанд Давлат тиббиёт университети билан чамбарчас боғлиқдир. 1969 йилдан бугунга қадар Самарқанд давлат тиббиёт университетида фаолият кўрсатиб келмоқда. Буюк олим, мураббий, шифокор ва ташкилотчи сифатида у Самарқанд болалар хирургияси илмий марказини ва унинг асосида СамМИ болалар хирургияси кафедрасини ташкил этди. Марказда Азамат Мухитдинович 1990 йилда Самарқандда биринчи бўлиб мураккаб юрак операциясини амалга оширди ва бугунга қадар бу амалиёт 200 дан ортиқ болаларда муваффақиятли бажарилди.

2004 йилда профессор Азамат Шамсиевнинг Самарқанд давлат медицина институтига ректор этиб тайинланиши институт ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишларда янгича ёндошув, янги ривожланиш даври бошланди. А. Шамсиевнинг ташаббуси билан 2013 йил Ўзбекистонда биринчи бўлиб Халқаро таълим стандартларига мослашган кредит-модул тизимида ўқитиш татбиқ этилди. Бу тажриба давлат раҳбари томонидан юқори баҳолашиб, 2020 йилдан эътиборан, бу тизим мамлакатнинг барча олий ўқув юртларида жорий этила бошланди. Бундан ташқари, ўқув жараёнига лицензияланган ва интеграциялашган икки қисмдан иборат 3-курсдан сўнг фундаментал фанлар бўйича, 6-курсдан кейин давлат имтиҳонларидан олдин клиник фанлар бўйича тест имтиҳони киритилди. Институтда дунёнинг 60 дан ортиқ университетлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан шартномалар тузилди. Азамат Мухитдинович Шамсиевнинг медицина олий ўқув юртларида ўқиш муддатини етти йилдан олти йилга келтириш ташаббуси давлат раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди ва 2017 йилдан эътиборан республика тиббиёт олий ўқув юртларида татбиқ этилди. Ушбу ислохотнинг жорий этилиши таълим жараёнини оптималлаштириш ва самарадорлигини оширишга сабаб бўлди.

2018-2020 йилларда профессор А. Шамсиевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Самарқанд медицина институтининг 800 ўринли янги ўқув биноси қурилди. Ушбу бинонинг меъморий қиёфасини яратишда Ирландиядаги 1592 йилда қиролича Елизавета асос солган Дублин университетининг мумтоз шаклига таянилди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қурилган бу ноёб бино Самарқанд кўркига кўрк қўшди ва врачларнинг янги авлодини тайёрлашга интилиш рамзи бўлди.

Азамат Шамсиев раҳбарлигида ҳозирга қадар 40 дан ортиқ фан доктори ва фан номзодлари тайёрланди. 12 та дарслик, 35 та монография ва мингдан ортиқ илмий мақолалар нашр этилди. Ихтиролар учун 70 дан ортиқ патентлар олинди.

Профессор А. Шамсиев чет элларда ҳам тан олинган олимдир. У Нью-Йорк фанлар академияси академиги, Европа (EUPSA) ва Россия (РАДХ) болалар хирургияси ассоциацияси, Осиё лапароскопик хирурглар ассоциацияси (ELSA), Буюк Британия соғлиқни сақлаш қироллик ассоциацияси аъзоси, Россия медико-техник академиясининг ҳақиқий аъзоси, Россия хирурглар жамиятининг аъзосидир. Бундан ташқари, у бир қатор халқаро олий ўқув юртлари ва илмий жамиятлар, жумладан, Грац медицина университети (Австрия), Ижевск медицина академияси ва Бошқирдистон давлат медицина университети-нинг фахрий профессори ва академигидир.

А.М.Шамсиев тиббиёт фанига қўшган катта ҳиссаси учун академик А.В.Вишневский номидаги Олтин медал (2010), машҳур профессорлар В.П.Немсадзе (2014) ҳамда А.А.Кисел (2024) номидаги нуфузли мукофотлар билан тақдирланган. Сўнгги мукофот Россиялик бўлмаган ягона олим Азамат Шамсиевга берилган. Унинг номи ҳақли равишда С.Д.Терновский, Ю.Ф. Исаков, Л.М.Рошаль, С.Я.Долецкий, Г.А.Баиров, Э.А.Степанов, А.И.Лёнюшкин, Н.Л.Куш, В.М.Державин, А.Г.Пугачев, В.М.Розинов, А.Ю.Разумовский, А.Т.Пулатов, К.С.Ормантаев каби атоқли болалар хирурглари номи билан бир қаторда туради.

А.М.Шамсиев соғлиқни сақлаш ва олий таълим ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун юксак давлат мукофотлари —«Соғлом авлод учун» (1998) ва «Дўстлик» (2024) орденлари, «Иттифок Соғлиқни сақлаш аълочиси» (1990) нишони, Биринчи даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони (2021) ва юбилей медаллари билан муносиб тақдирланган.

Аммо унинг учун энг юксак мукофот – ҳаёти сақлаб қолingan минглаб жажжи болаларнинг шодон табассумидир.

Ишончим комилки, ушбу Устозимиз профессор А. Шамсиевнинг 80 йиллик юбилеи арафасида ўтказилаётган тадбир дунёнинг турли бурчакларидан келган жарроҳлар ва тегишли ихтисосликдаги шифокорлар учун ўзига хос платформага айланади, улар ўз ишлари ва болалар жарроҳлиги соҳасидаги сўнгги ютуқлари билан ўртоқлаша оладилар ва тақдим этадилар!

Евроосиё болалар хирурглари конфедерациясининг I-Конгрессида иштирок этиш учун вақт топиб келган, барча конференция иштирокчилари ва меҳмонларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Барчангизга муваффақиятли ва самарали меҳнат, янги ижодий ва илмий ғоялар, фаровонлик ва соғлиқ тилайман!

*Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори,
профессор Ризаев Жасур Алимджанович*